# ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДА “ТАРИХИ РАШИДИЙ”НИНГ РОЛИ

**Ғ.САТИМОВ**

*В статье освещается роль произведения “Тарихи Рашиди” Мирзо Хайдара в изучении жизни и деятельности Бабура.*

*The article deals with the description of the importance of the “Tarihi Rashidiy” by Mirzo Haidar in the study of the activities of the Great Babur – an Emperor.*

---

Муаррих Муҳаммадниёз Абдулғафур ўғли Ниёзий ёзганидек, “Тарихи Рашидий” “…шундай бир китобки, мамлакат ишларида қилинадиган, давлат ва ҳукумат арбобларига тегишли қўлланма, лашкарбошилар, баҳодирлар учун муҳим чора-тадбирлар йўл-йўриғидир”[1.5]. Ушбу китобдан XVI-XVII асрлар Мовароуннаҳр тарихига оид тарихий ҳақиқатга асосланган маълумотларни, ҳукмдорлар ва уларнинг давлатни бошқариш тамойиллари ҳақида, ҳукмдорларнинг шахсий фаолиятига оид қимматли маълумотларни олиш мумкин. Хусусан, XVI аср бунёдкори номи билан Ғарб ва Шарқда маълумумашҳур бўлган буюк ватандошмиз Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ фаолияти, унинг шахсида шаклланган адолатлилик тамойиллари, шунингдек, у асослаган ва бошқарган салтанатда ўрнатилган адлия ишлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Бобур ҳақида хорижда чоп этилган тарихий манбалар ва замонавий адабиётлар мазмуни билан танишар эканмиз, уларнинг деярли барчасида бир овоздан “Бобурий подшоҳлар адолатли ҳукмдорлар эди”, деган фикр асар мазмунида ўқ чизиқдек янграб ўтади. “Хўш, бобурий подшоҳлар адолат тамойилларини қаердан ўрганганлар?” дея ўртага ташланадиган савол диққатимизни тортиши табиий бир ҳол.

Гап шундаки, темурийлар саройида шаҳзодаларга билим бериш ва ўша замон талаблари асосида тўғри тарбиялаш учун уларга фаннинг турли соҳа-

ларидан сабоқ бера оладиган тажрибали ва обрўли устозлар – бек аткалар тайин қилинар эди. Бобурга фиқҳ (ҳуқуқ) илмидан билим бериш учун шу соҳанинг етук олимларидан бири, пири комил Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори валийнинг содиқ муридларидан бўлмиш Мавлоно Муҳаммад Қози исмли киши тайин қилинган эди. У зоти шарифни шаҳзода Бобур Мирзо “устод ва пирим” дейди. “Бобурнома”да айтилишича, “Хожа Мавлоно қозининг асл исми Абдуллодир. Бу от билан машҳур ва маълум бўлган эди. Ота тарафидан насаби Самарқанднинг машҳур қозиларидан бўлмиш Бурхониддин Қиличга бориб тақалади. Она тарафидан Султон Илик Мозийга етар, Фарғона вилоятида шу табақа муқтадо ва шайх-ул-ислом ва қози бўлиб келадирлар. Хожа Қози Ҳазрати Хожа Убайддуллоҳнинг муриди эди. Алардин тарбият топиб эрди. Хожа Қозининг валийлигига менинг ҳеч шак-шубҳам йўқтур [2.64]”.

Албатта, бу сўзлар Бобурнинг устозига юксак эҳтиромини намоён этиб турганига шак-шубҳа йўқ. Бироқ Хожа Қози қай фазилатлари билан бу қадар юксак эҳтиромга лойиқ бўлгани “Бобурнома”дан аниқ англашилмайди, бунда муносабат ифода этиш билан чекланилган. Худди шу бўшлиқни “Тарихи Рашидий” ортиғи билан тўлдиради, десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо асарида бу улуғ зотнинг шахсияти ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Муаллифнинг таъкидлашича, ул ҳазратнинг исмлари Муҳаммад бин Бурҳониддин. Унинг отаси Бурхониддин Мискини Самарқандий Самарқанднинг машҳур қозиларидан бўлган Имодиддин Қозининг энг яқин кишиларидан эди. Шу боис ҳам у киши Мавлоно Муҳаммад Қози номи билан машҳур бўлган. Мавлоно Муҳаммад Қози 1516 йилда вафот этган ва Ахси яқинидаги қабристонлардан бирига дафн этилган. Унинг тарих учун қимматли ва катта аҳамиятга молик бўлган асарлари бор. Улар орасида “Силсилат ул-орифин” (“Ҳақни таниганлар шажараси”) асари машҳур. Бу китоб 50 бобдан иборат бўлиб, сўфийлик тариқати вакиллари уни севиб мутолаа қиладилар.

Биз учун энг муҳими шуки, “Тарихи Рашидий орқали Мавлоно Қозининг давлат бошқаруви борасидаги қарашлари бизгача етиб келган. Гап шундаки, ул зот Муҳаммад Ҳайдар Мирзо томонидан шу масалада берилган саволларга ёзма жавоб берган ва бу жавобларига айрим изоҳлар, фойдали маслаҳатларини ҳам қўшган экан. Уларни Мавлоно Қозининг ўғиллари Маҳдумзода Мавлоно Қутбиддин Аҳмад тўплаб, Ҳайдар Мирзога юборган эканлар. Ўз навбатида, Ҳайдар Мирзо бу жавобларни бир рисола сифатида “Тарихи Рашидий” асарига тўлалигича киритган.

Рисола муаллифининг таъкидлашича, бу фоний дунё бойликларига хирс қўймасдан, ўз қўл остидаги мамлакатда адолат ва саховат, соф эътиқодни таъминлаган кишини ҳақиқий ҳукмдор деб айтиш мумкин экан. Ушбу рисолада давлат бошқарувининг ўнта тамойили келтирилади:

Биринчиси, давлат аҳамиятига молик масала ҳал қилинаётганда, ҳукмдор ўзини ўша оддий фуқаро ўрнига, оддий фуқарони эса ўзининг ўрнига қўйиб кўриши керак. Оддий фуқаро сифатида ўзига раво кўрмаган ҳукмни, раиятга ҳам раво кўрмаслиги лозим.

Иккинчи таомил шуки, ҳукмдор ҳар бир мусулмоннинг ҳожатини равон қилишни ўзи учун энг яхши тоат-ибодат деб билмоғи даркор. Зеро, Пайғамбар (с.а.в.) айтганларки, “Мўминнинг ҳожатини равон қилмоқлик одам ва малоикаларнинг ибодатларига тенгдир”. Демак, ҳузурида ҳожатталаб бўлиб турган мусулмоннинг ҳожатини равон, мушкулини осон қилмай туриб, ўз ҳаловати ташвиши билан банд мусулмон ҳукмдор бўла олмайди.

Учинчи таомил, ҳукмдор таомда ҳам, кийимда ҳам адолатли ва самимий халифаларга тақлид этиб, ўзини олиймақом либосга ва серҳашам таомга ўргатмаслиги лозим. Амир ул-мўминин Ҳазрати Али халифалик мартабасига эришгач, бозорга бориб уч дирҳамга кўйлак сотиб олиб, унинг енгининг чиғаноғидан қуйи қисмини, этагининг эса ошиғидан қуйи қисмини кестириб ташлабди. У зотдан не учун бундай қилганини сўраганларида, у: “Таҳорат олишга қулай, камтарликка монанд ва тақлидга осон”,- деб жавоб берган экан.

Тўртинчи таомил, ҳукмдор суҳбатдошига нисбатан дағдағасиз, мулойимлик билан муомала қилмоғи ва бечораҳол одамлар билан сўзлашишни ўзига ор деб билмаслиги даркор.

Бешинчи шарт, ҳукмдор ҳукм чиқаришда қатъиятли ва ҳақиқатгўй бўлмоғи лозим. Чунки ҳар қандай қарор қабул қилинганда ҳам ҳалойиқнинг ярми қарордан норози бўлиши турган гап. Ҳукмдор беғаразлик ва холислик билан ҳукм чиқарганда, у Аллоҳнинг ризолигига сазовор бўлади.

Олтинчи талаб, ҳукмдор унинг юртига таҳдид солиб турган атрофидаги ёвуз ниятли кучларга эътиборсиз бўлмаслиги даркор. Шуни унутмаслик керакки, ҳукмдорга берилган ваколат раиятнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлайдиган воситадир. Ҳукмдорнинг адолат билан чиқарган ҳар бир ҳукми унинг умр бўйи қилган ибодатининг савобига тенгдир. Зеро, у ўзини ушбу савобдан маҳрум этмаслиги даркор.

Еттинчи шарт, ҳукмдор ҳамиша олиму фозиллар билан ҳамсуҳбат бўлишга интилмоғи даркор. Жоҳил ва ёвуз, маккор ва юртбузуқи кишилар суҳбатидан ўзини ҳимоя қилмоғи шарт. Зеро, бундай кишиларда иймон-эътиқод бўлмайди. Машойихлар айтиши-

ча, Парвардигор ҳукмдорга давлатни бошқариш учун уч нарса берган экан: бойлик, қилич ва қамчи. Бойлик билан сен эҳтиёжманд халқнинг эҳтиёжини қондириб, уларни муҳтожликдан ҳимоя қилмоғинг, қилич билан босқинчиларни даф қилмоғинг, қамчин билан юртбузуқиларнинг адабини бермоғинг керак.

Саккизинчи шарт, ҳукмдор ўзининг улуғворлиги ва кибру ҳавоси билан ўз қўл остидагиларни нохуш аҳволга солиб қўймаслиги ва аксинча, ўзининг саховати ва одиллиги билан раиятнинг кўнглини кўтармоғи лозим. Пайғамбар (с.а.в.) айтган эканлар: “Энг яхши ҳукмдор сизни севадиган ва сиз севадиган ҳукмдордир. Сизга нисбатан ғанимлик пайида бўлганлар ва сиз нафратланадиган ҳукмдор – яхши хукмдор эмасдир”.

Тўққизинчи шарт, ҳукмдор ўз қўл остидаги ҳокимларнинг ёвузликларига бефарқ бўлмаслиги ва ёвуз ниятли кишиларнинг ҳокимият курсисига тайинланишига йўл қўймаслиги лозим. Ҳокимларнинг ўз мансабини суистеъмол қилганидан хабар топиши биланоқ, уларни бошқалар кўз олдида адолатли жазога ҳукм этмоқ шарт.

Ўнинчи шарт шуки, ҳукмдор зийрак ва зукко бўлмоғи даркор. У бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни муфассал таҳлил қилмоғи, уларни келтириб чиқарган омил ва олиб келадиган натижаларни ҳисоб-китоб қилмоғи ҳамда дарҳол зарур чора ва тадбирларни кўрмоғи лозим; бунда у чақимчиларнинг сўзларига таяниб иш кўрмаслиги даркор.

Билиб қўйки, сенинг қўл остингдаги мўминларнинг ҳам ҳар бирининг ўзига яраша ҳақ-ҳуқуқлари бор; ҳукмдор бу ҳуқуқлардан кўз юммаслиги даркор. Унутмагилки, парвардигор такаббур ва баджаҳл одамларни душман деб билади.

Ғаразгўй, иғвогар ва ҳасадгўй одамларнинг таъсиридан ҳимояланмоқ даркор. Ҳасадгўйнинг назарида барча яхши нарсалар ёмон қиёфада намоён бўлади ва яна шуки, ҳукмдор мўмин йўл қўйган хатодан ғазабланмаслиги, имкони бўлса, агар бу гуноҳдан иймон-эътиқод зарар кўрмаса, уни дарҳол кечириши керак.

Бўлғуси ҳукмдор Бобур Мирзо айни шу сатрлар муаллифи Мавлоно Саид Муҳаммад Қози қўл остида тарбия топган ва ундан илм олган эди. Ўн уч ёшида тахтга ўтирган шаҳзода қалбига зикр этилган адолатлилик тамойиллари сингдирилган, у айни шу талаб ва тамойиллар асосида ҳукмдор сифатида шаклланган эди. Бунга унинг ўғли шаҳзода Хумоюнга йўллаган махфий хати билан танишиш орқали ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шу аснода бобурий шаҳзодаларнинг адолатли ҳукмдор сифатида шаклланишига бу омиллар маълум даражада ижобий таъсир кўрсатганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Адабиётлар:**

1. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. / В. Рахмон ва Я. Эгамова таржимаси,- Т.: Шарқ, 2010
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.- Т., 2005

*Андижон давлат университети,*
*2012 йил 15 январда қабул қилинди.*
*(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)*